



О'ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2021 - yil 18 - iyun

34-3-0-Q/21

Jizzax viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПФ-6240-сонли Фармони ҳамда ПҚ-5133-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6240-сонли Фармони ҳамда 2021 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5133-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПФ-6240-сонли Фармони ҳамда ПҚ-5133-сонли қароридан белгиланган вазифалар ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (Б.Бобоқулов), Фермер ва деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгаши (А.Эшматов) туманлар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПФ-6240-сонли Фармони 1-илоvasи билан тасдиқланган “Йўл харитаси” 21-банди ижроси юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Ахмедхаджаев мутасадди бошқармалар, идоралар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПҚ-5133-сонли қарори 4.1-илоvasи “Тармоқлар ва маҳаллий корхоналарда стандартлаштириш, маҳсулот сифатини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар” ҳамда 4.2-илоvasи “Тармоқлар ва маҳаллий корхоналарда стандартлаштириш, маҳсулот сифатини таъминлашни ўрганиш ва ҳисоботини эшитиб бориш кетма-кетлиги схемаси” ижроси юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш;

амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни Ҳукумат комиссиясига ҳар ойда

тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

4. Жиззах шаҳар ва туманлар ҳокимлари, мутасадди бошқарма ва идоралар раҳбарларига мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижроси бўйича маълумотларни ҳар ойда вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борсинлар.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Ахмедхаджаев ҳамда О.Ашурматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев